

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 2

20.06 2022 йил

Бухоро шахри

“Og’abek food center” (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ахмедов И.И. тимсолида, бир томондан ва БДТИ академик лицей (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи Исматова Р.А. тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи” га **иссиқ овқат билан таъминлаш хизмати** (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади) хизмат кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш муддати 2022 йил 20 июндан - 2022 йил 31-декабргача амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. “Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
  - зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” шунга ўхшаш “Хизматлар” билан алмаштирилишини;
  - “Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
  - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда ажратилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш;
- 2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 54 000 000 сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган “Хизматлар”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. “Буюртмачи” кўрсатиладиган “Хизматлар” туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида 2022 йилнинг июнь ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган “Хизматлар” учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси



имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдориди 2022 йилнинг декабрь ойиди яқуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил 20 июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинги барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиди бекор қилиниши мумкин.



9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «Бажарувчи»

“Og’abek food center” МСНҲ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Мустакиллик кучаси 72/1 уй 25 хона

Тел./факс (99) 709-22-00

х/в 20208000105121059001


Банк номи Асака банк Бухоро вилоят филиали

МФО 00120

ОКОНХ \_\_\_\_\_  
СТИР 306705367

Раҳбар Ахмедов И.И.

(Ф.И.Ш)

  
(ИМЗО)



#### «Бююртмачи»

БДТИ академик лицей

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро ш. Б.Накшбанд кучаси 2а уй

Тел./факс 223-56-93

ш/х\* 400810860064017092500054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201512654

ОКОНХ 92120

Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси  
Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш Марказий банкнинг ХККМ


МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар Р.А.Исмадова

(лавозим)

(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:

